БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ ҚИЗИҚИШНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

К.Турғунбоев, З.Эсонова, М.Зулунов

Статья посвящена изучению психолого-педагогических условий формирования профессионального интереса у будущих педагогов.

Learning at phsyco-pedagogikal items of forming on professional interests of future teachers

Ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга масъул бўлган жамият аъзолари биринчи навбатда ўз касбининг моҳир устаси бўлган педагог кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг асосий вазифаси эканлигини англаб етмоғи керак. Бу ўринда мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида вужудга келаётган маънавий ва иқтисодий қийинчиликларнинг олдини олишда ҳамда юзага келиши мумкин бўлган бўшлиқ ўрнини соғлом фикр, янгича тафаккур, илмий билимлар билан тўлдиришда олий таълим тизимида тайёрланаётган бўлғувси педагогнинг касбий қизиқишини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Касбий қизиқишнинг шаклланганлиги эса талабанинг ўзи танлаган мутахассислигига ижобий муносабатини юзага келтиради, унга педагогик фаолиятга аста-секинлик билан киришиш имконини беради. Қизиқувчанлик — касбий қобилиятнинг ривожланиши учун муҳим шартлардан ҳисобланади. Агар талаба шу касбни танлаб, уни яхши кўриб иш бошласа, бу соҳадаги билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилади, кейинчалик уларни ўз фаолиятида қўллашга интилади. Олий ўқув юртининг битирувчиси — ўз касбини севмайдиган талаба, фақат дарс берувчи бўлиб қолади, унинг учун педагог шахси иккинчи планга ўтиб қолади. Унинг ягона мақсади ўқув материали мазмунини етказиш ва унинг ўзлаштирилиш даражасини текшириб олишдан иборат бўлиб қолади. Бундай педагог ўсмоқда бўлган ёш авлоднинг маънавий-аҳлоқий тарбиясини амалга ошира олмайди. Шунинг учун ҳам касбий қизиқишга талабанинг ахлоқий сифатлари йиғиндиси сифатида қараш зарур, чунки уларнинг мавжудлиги касбий қизиқиш йўналиши, ривожланиши ва шаклланишини таъминлайди.

Талабаларни ўқитиш жараёнида касбий қизиқишларининг юзага келиши ва мустаҳкамланишини шартли равишда бир неча босқичларга ажратиш мумкин: танланган мутахассислик билан дастлабки танишиш, унинг шаклланиш эволюцияси, эмпирик босқичи (1-курс); педагогнинг ижтимоий ролини англаб етиш — назарий босқич (1-4-курслар); бўлғувси педагог касбий йўналишини таъминловчи назарий билим ва амалий кўникмаларни эгаллаш — ижодий босқич (1-4-курслар); педагогик амалиётни ўташ жараёнида эгалланган назарий билимлар, дидактик кўникма ва малакаларни қўллаш жараёнида апробация ҳамда корректировка ишларини йўлга қўйиш — амалий босқич (1-4–курслар); тайёргарликнинг илмий-назарий даражаси, назарий билим ва амалий кўникмаларни қўллай олиш кўрсаткичи сифатида битирув малакавий ишларни бажариш. Юқоридаги барча босқичлар бир-бирлари билан бевосита узвий боғлиқ бўлиб, улар бутун ўқув жараёни давомида сақланиб қолади.

Бизнинг фикримизча, талабаларнинг касбий қизиқишини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш ва бошқариш системасини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу тизимнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: 1) танланган мутахассислик бўйича талабаларни назарий-методологик ва амалий жиҳатдан тайёрлаш; 2) касбий қизиқишни оширувчи шарт сифатида эҳтиёж-мотивацион соҳани ривожлантириш; 3) психологик-педагогик фанлар блокининг махсус ва дидактик блоклар билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш; 4) ўқув жараёнини амалиётга максимал даражада яқинлаштириш орқали билимларни эгаллаш, талабаларда кўникма ва малакаларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжни ривожлантиришга қаратилган касбий қизиқишни шакллантириш.

Ўқув билиш фаоллигини ривожлантириш, олий ўқув юртида ўқиш давомида ҳамда ундан кейин ҳам қизиқишни мустаҳкамлашга қаратилган ўқитиш методлари касбий қизиқишларнинг шаклланишига хизмат қилади. Талабалар фаоллигини таъминловчи шарт сифатида олий ўқув юртидаги ўқув жараёнини мактабларда бир неча мавзуларни ўрганиш даражасида амалиётга

яқинлаштириш; талабада эҳтиёж-мотивацион соҳанинг юзага келишига таъсир этувчи шароитларни яратиш; олий ўқув юртида педагог сифатида ўзини кўрсатишга имконият яратиш.

Олий ўқув юртидаги таълим жараёнининг мактаб билан мустаҳкам алоқаси мактаб ҳаётига қизиқишнинг ривожланишига имкон беради; олий ўқув юртида олинган назарий билимларни намойиш этиш, мактаб ўқувчисининг ўзига хос хусусиятлари: хотира, диққат ва тафаккурни таҳлил этиш имкониятларини беради; талабаларга илмий-назарий хулосалар чиқариш кўникмаларини эгаллаш учун реал шарт-шароитлар яратади; психологик-педагогик тадқиқот методларидан фойдаланиш бўйича билимларни амалиётда қўллаш имкониятини яратади. Олий ўқув юртидаги ўқув жараёнининг мактаб амалиёти билан бундай боғлиқлиги талаба шахсига максимал даражада таъсир этади ва касбий қизиқишнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун эса:

1. Талабанинг эҳтиёж-мотивацион соҳасига таъсир этувчи шароитни яратиш. Билишга ва педагогик фаолиятга қизиқишнинг шаклланишига таъсир этувчи энг муҳим хусусиятлардан бири унинг моҳиятини англаб етиш, шахсий фаолият учун ўрганилаётган жараённинг зарурлигини тушунишдан иборат. Талабанинг касбий қизиқишини шакллантиришга йўналтирилган ишда педагог учун, энг аввало, унинг эҳтиёж-мотивацион соҳасига таъсир этувчи ва уни ҳал этувчи вазифалар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш муҳимдир. Бундай вазифалардан қуйидагиларни: а) танланган касбнинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш; б) танланган мутахассислик бўйича фаолият мақсадини белгилаб олиш; в) педагогик фаолиятга олиб кириш; г) қўшимча маълумотлар талаб этадиган ҳолатларни яратишни келтириб ўтиш мумкин.

Танланган мутахассисликнинг ижтимоий моҳиятини англаб етиш жараёнида талаба эътибори педагогнинг мактаб ва жамиятдаги ўрнини тушунишга қаратилади, танланган касбнинг аҳамиятини тушуниб етиш эса талабаларда ўз-ўзини такомиллаштириш иштиёқини уйғотади.

Танланган мутахассислик бўйича фаолият мақсадини аниқлаш омили талабани ўз устида ишлашга рағбатлантиради. Мақсад – бу моҳият жиҳатдан аҳамиятли эҳтиёжни фаолият билан боғлиқ бўлган жараёнда англаб етилган натижадир. Мақсад вақтинчалик ҳарактер касб этиши мумкин. Ўз касбий фаолиятининг якуний натижасини аниқлаш — охирги мақсад; олий ўқув юртида ўқитиш натижасини аниқлаш — оралиқ мақсад; олий ўқув юртидаги яқин вазифаларни аниқлаш — назарий мақсадидир.

Ўз фаолиятини режалаштира бориб, талаба охирги натижага эришишга қаратилган аниқ тизимга тушадиган операциялар тартибини аниқлайди.

Танланган мақсад тафаккур жараёни йўналишини аниқлаб беради. Комплекс фаолият ва ҳаракат босқичлари танланган мутахассислигига қизиқиши ва келажакка интилишини кўрсатиб боради. Шундай қилиб, талабалар томонидан ўз фаолияти мақсадининг аниқланиши уларнинг эҳтиёж-мотивацион соҳасига таъсир кўрсатади. Олий мактаб педагоги талабанинг касбий ўсиш даражаси имкониятларини аниқлаб, бу билан унинг қизиқиши ва ўқув-билиш фаолиятининг ривожланишига таъсир кўрсата боради.

Талабаларни педагогик фаолиятга жалб этиш улар олий ўқув юртига келган дастлабки кунларидан амалга оширилиши зарур. Педагоглик вазифасини бажара бориб, талаба ўзида керакли билимлар, кўникма ва малакалар етарли эмаслигига ишонч ҳосил қилади ва бу ҳолат унда касбий ўз-ўзини такомиллаштиришга эҳтиёжни уйғотади. Бу эса талабада ўз устида ишлашга интилишни юзага келтиради.

Шундай қилиб, педагогик фаолиятга олиб кириш талабанинг эҳтиёж-мотивацион соҳасига ва касбий қизиқишининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

2. Олий ўқув юртидаги машғулотларда педагог ролини бажариш имкониятини бериш ўқитиш жараёнида талабаларнинг турлича касбий малакаларни эгаллашлари учун имконият беради. Ушбу воситани системали тарзда қўллаш натижасида маълум кўникма ва педагогик тажрибалар тўпланиб боради. Шу билан бирга, танланган касбга энг қулай ва тез кўникиш учун шароит яратиб борилади.

Психологик кўникиш (мослашиш) педагог ролига киришда мавжуд бўлган тўсиқларни бартараф этиш имконини беради, яъни бўлғувси педагогда ҳис-туйғу, кайфиятини бошқариш

қобилиятини, ташки салбий таъсирларга нисбатан иродали бўлиш, ўзини қўлга ола билиш каби сифатларнинг шаклланишига имкон беради. Биз умумдидактик ва методик кўникиш (мослашиш) ҳақида гапирганимизда, педагогнинг дарсга таёрланиш ва ўқитиш жараёнида танланган метод, шакл ва воситаларнинг ишончлилигига шубҳа билан карашни енгиш масаласига эътиборни қаратамиз. Талаба ўзи бажараётган педагоглик вазифасини ва шу орқали эгаллаётган тажрибасини таҳлил қила бораркан, унда психологик-педагогик фанлар бўйича машғулотларга ва бўлғувси педагогик ишларга қизиқиш ортиб боради.

Касбий фаолиятга қизиқишнинг ортишига сабаб бўлувчи юқоридаги воситалардан фойдаланиш ўқув жараёнининг субъекти (педагог) билан ўрганувчи(талаба)ни мактаб амалиётига жалб этиб, талабага мустақил қарор қабул қилиш имкониятини бериш, унинг қобилиятларини ривожлантириш, икки ўртада ўзаро ижодий муносабатларни йўлга қўйишга имкон беради.

Талабанинг аниқ фаолиятида ифодаланадиган амалий вазифаларни қўйиш ва уларни ҳал этиш асосий касбий кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган. Уларнинг ўқув жараёнидаги фаоллиги қўлланилаётган метод ва воситаларгагина боғлиқ бўлмай, шунингдек, мотивларга — билиш ва қизиқишни ривожланишига ёрдам берувчи ҳаракат кучига ҳам боғликдир.

Талабаларда касбий қизиқишнинг шаклланиш жараёни олий ўқув юрти педагогининг доимий назоратида бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу жараённи бошқариш муаммоси олий таълимда алоҳида аҳамият касб этади. Бу ўринда биз педагогнинг шахс (талаба) ҳиссиёти, эҳтиёж ва мотивларига босқичма-босқич таъсир этиши, олинган натижаларни босқичма-босқич таҳлил қилиши ва тузатиб бориши зарурлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Касбий қизиқишнинг шаклланиш жараёнини системали бошқариб бориш бошқаришнинг мақсад, мазмун, вазифа, шакл ва методларини ўз ичига олади.

Педагог қуйидаги томонларни:

а) танланган касбга дастлабки қизиқиш даражаси;

б) педагоглик касбини танлаш мотивлари;

в) айрим талаба ёки талабалар гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари;

г) педагогик қизиқишни шакллантиришнинг психологик-педагогик шароитлари;

д) бўлажак педагогнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши зарур.

3. Танланган касбга дастлабки қизиқиш даражаси 1-курсда аниқланади. Ушбу босқичда энг муҳими талабаларда танланган мутахассислигига нисбатан ижобий ҳиссий муносабатни юзага келтириш ва уни мустаҳкамлаш, мотивлар ичида аҳамият касб этувчи мотивларни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун педагог ўзининг бошқарув фаолиятида мақсад ва вазифаларни белгилаши ва комплекс тарзда тадқиқот ишларини йўлга қўйиши зарур. Касбий қизиқишни шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилиб, курсдан-курсга мураккаблашиб, оддий қизиқишдан касбнинг ижтимоий моҳиятини онгли тушуниш даражасигача ўстириб борилади. Бунда сўз воситалари ва кўрсатмали ўқитиш методларидан қисман изланиш, тадқиқот ишларига ўтилади.

4. Талабаларнинг эҳтиёж-мотивацион соҳаси асосида касбий қизиқишни шакллантиришда педагогик касбни танлаш мотивлари бошқарув жараёни учун асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бошқарув эса эҳтиёж-мотивацион соҳанинг ривожланишига ёрдам берувчи холатлар орқали амалга оширилади.

5. Талаба ва талабалар гуруҳининг ўзига хос хусусиятларини педагог яхши билиши, шу асосда ўқитишнинг энг самарали метод, шакл ва воситаларини танлаб олиши керак. Касбий қизиқиш жараёнини шакллантиришни бошқариш бўйича ишлар талабалар гуруҳлари билан ўзаро муносабатларни (шахслараро) йўлга қўйиш усулларини танлаб олишни ўз ичига олади.

6. Касбий қизиқишни шакллантиришнинг психологик-педагогик шартларига:

а) таълим жараёни иштирокчиларининг биргаликдаги фаолиятга тайёргарлиги;

б) олий ўқув юртининг моддий-техник имкониятлари даражаси;

в) “педагог-талаба” тизимида диалог кўринишдаги муомаланинг мавжудлиги;

г) “талаба-педагог” тизими орқали қайта алоқа учун шароит яратиш;

д) касбий қизиқишни шакллантириш бўйича педагог фаолиятини корректировка қилиш.

7. Педагогнинг ўзига хос хусусияти ҳам алоҳида аҳамият касб этади. У ўз шахсий фазилатлари орқали талабаларни эргаштира олиши керак. Материалларни қизиқарли, таъсирчан, ҳиссий жиҳатдан жалб эта оладиган тарзда етказиш қобилиятга эга бўлиши зарур. Муносабатларни шундай йўлга қўйиш керакки, педагог ва талаба ўртасидаги диалог бўлғувси педагог касбий қизиқишининг шаклланишига самарали ёрдам берсин.

8. Касбий қизиқишнинг шаклланишини бошқариш бир қатор ўзаро боғлиқ босқичлардан иборат:

а) талаба касбий қизиқишининг шаклланиш жараёнини бошқариш мақсад ва вазифалари белгиланади; талабалардаги педагоглик касбига қизиқишнинг дастлабки даражаси ва уни танлаш мотивлари тўғрисида ахборот тўпланади, шу асосда касбий қизиқишга йўналтириш ҳаракат дастурини ишлаб чиқилади;

б) талабаларда касбий қизиқишни ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилади; мактаб шароитида ўтказиладиган машғулотларнинг интерактив курси ва машғулот ҳажми белгиланади; ишчи режа ва дастурлар таҳлил қилинади; психология, педагогика, ўқитиш методикаси бўйича машғулотларда биргаликда комплекс ўрганиладиган мавзулар ишлаб чиқилади;

в) касбий қизиқишни шакллантириш жараёнини бошқаришнинг метод, восита ва шакллари аниқланади; факультет моддий-техника базаси, психологик, дидактик комплексларнинг халқ таълими муассасалари билан ўзаро боғлиқлик даражаси баҳоланади;

г) касбий қизиқишни шакллантириш ва уни корректировкаси бўйича ҳаракат режа-дастурлари ишлаб чиқилади; педагогларнинг касбий қизиқишни шакллантириш бўйича фаолияти натижалари назорат қилиб борилади;

д) касбий қизиқишни шакллантириш бўйича фаолият натижаларини таҳлил этилади ва умумлаштирилади; қизиқиш даражаси, қатъийлиги, амалий жиҳатлари аниқланади ва зарур корректировкалар қилинади.

Касбий қизиқишни шакллантириш жараёнини бошқариш шахсий йўналтирилганлиги, мақсаднинг аниқ белгиланганлиги билан характерланади, шунингдек, касбий қизиқиши мумкин бўлган объектни бошқаришнинг цикллилиги, талабаларнинг касбий қизиқишини йўналтиришга қаратилган ўқитишнинг турли-туман технологияларга тайёр туриши ҳисобга олинади.

Бошқаришнинг бевосита ва билвосита методларини талаба касбий қизиқишлари билан боғлаш зарур. Таълим жараёнининг иштирокчилари ўртасидаги муомала ва ўзаро таъсир диалог характерида бўлиши керак. Шу шартлар воқе бўлгач, педагог касбий қизиқишни шакллантириш дастурини тузишга киришиши мумкин. 1-курсда талабанинг касбий қизиқиши ўзининг беқарорлиги, пассивлиги, торлиги билан характерланади. Бошқаришнинг ушбу курсдаги мақсади — маъруза материалларини қизиқарли етказиш орқали дастлабки касбий қизиқишни юзага келтириш, билиш жараёнини фаоллаштиришга эришишдан иборат. Бундай ҳаракатлар очиқ, бевосита қизиқишни юзага келтиради. Бошқаришнинг вазифаси талаба фаолиятини шундай ташкил этишни талаб этадики, бундай фаолият унда қизиқиш уйғотсин ва ушбу жараёнга йўналтирувчи маъно касб этсин.

2-босқичнинг ўзига хослиги касбий қизиқишнинг кенглиги, маълум даражада турғунлиги, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунишга ҳаракат қилишнинг кучайиши билан ажралиб туради. Бошқариш мақсади — талабаларни фаоллаштириш орқали дастлабки қизиқишларни мустаҳкамлаш, фаолият натижаларини рағбатлантирувчи топшириқларни танлашдан иборат бўлса, вазифалари касбни эгаллаш мотивларини корректировка қилиш, эҳтиёж-мотивацион соҳасига таъсир этишдан иборатдир.

2-курсда ўқитишнинг охирига келиб қизиқиш амалий ва барқарор характер касб этади.

3-курсда касбий қизиқишни шакллантириш барқарор касбий маҳоратни такомиллаштиришга қаратилган мақсадли фаолият бўлиб боради. Бошқариш мақсади — билимга қизиқишни шакллантириш, мавжуд билим, кўникма, малакаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни кенгайтириш, ўз устида ишлаш дастурлари тузишдан иборат. Бошқариш вазифалари — ўқув жараёнини ташкил этишнинг фаол метод ва шаклларидан фойдалана бориб талабаларни педагогик фаолиятга олиб кириш, унинг натижаларини системали тарзда таҳлил этишдан иборат.

4-курсда касбий қизиқиш амалий, фаолиятли характер касб этади. Талабани ўз фаолияти ва унинг натижаси қизиқтиради, ушбу жараён ўзининг кенг ва чуқур мотивлари билан ажралиб туради. Бошқариш мақсади — касбий қизиқишни мустаҳкамлаш, мавжуд билим, кўникма ва малакаларни синовдан ўтказиш учун шароит яратиш, юқори даражадаги касбий қизиқишни шакллантиришга эришиш. Бошқариш вазифалари — педагогик амалиёт ўтказиш ва касбий қизиқишни мустаҳкамлашга йўналтирилган топшириқларни танлаш, дарсда мувффақиятга эришиш ҳолатларини яратиш, талабаларни мустақил педагогик фаолиятга олиб кириш, битирув малакавий иш амалиётига жалб этишдан иборат.

Юқоридагича тизим асосида ишларни олиб бориб, талабаларнинг ўзлари танлаган касбга қизиқишини белгиловчи кўрсаткичларни аниқлаш зарур. Бундай кўрсаткичлар сирасига педагогик амалиёт ўташ вақтида ташаббускорлик, фаоллик кўрсатиш, курс ишлари ва рефератлар учун мустақил мавзу танлаш, уларни ижодий ёндашган ҳолда ёзиш кабиларни киритиш мумкин. Ташаббускорлик фаоллик билан ўзаро боғлиқликда йўлга қўйилади ва у ўқув жараёнидаги иштироки, машғулотларда ишлаши, уларга тайёргарлик даврида адабиётлардан фойдалана олиш даражасида намоён бўлади. Тажриба шуни кўрсатяптики, ким ўзи ўтказган машғулотдан қониқиш ҳосил қилмаётган бўлса, у танлаган касбига ҳам меҳр қўя олмайди. Танлаган мутахассислигига қизиқишни уйғотиш ва фаолиятни рағбатлатириш учун талабаларга асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати тавсия этилади. Машғулотлар давомида талаба асосий ва қўшимча адабиётлар билан қай даражада ишлаганлиги текшириб борилади. Шундан келиб чиқиб педагог педагогнинг (талабанинг) ўрганаётган фанига бўлган қизиқишини ҳам, танлаган касбига бўлган муносабатини ҳам ўрганади. Ташаббускорликнинг ривожланиши педагог ва талаба ўртасидаги масофанинг қисқаришига олиб келади, ўқитиш олдидаги қўрқувни енгишга сабабчи бўлади.

Бўлғувси педагогнинг касбий қизиқишини ривожлантиришда педагогик амалиёт етакчи ўрин эгаллайди. Топшириқларни ишлаб чиқиш ва уларни тўғри ташкил этиш талабанинг ижодкорлигини оширади. Амалиёт раҳбари ҳар бир талабанинг ўзига хос хусусиятларига жавоб берадиган топшириқларнинг комплекс вариантларини тавсия этади. Ушбу комплексга бажариш мажбур бўлган топшириқлар вариантлари киради.

Психологик-педагогик топшириқлар комплексига мажбурий тарзда психологик-педагогик тадқиқотлар, ностандарт ва анъанавий бўлмаган дарсларни ишлаб чиқиш, уларни ўтказиш, машғулотларни олиб бориш учун кўргазмали қуроллар тайёрлашни киритиш мумкин. Қўшимча топшириқларга синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар (фанлар бўйича) киради. Бунга тематик деворий газеталарнинг эскизини тайёрлаш ва чиқаришни мисол қилиб кўрсатиш мумкин (бунда газеталарнинг ўзига хослиги, қизиқарлилиги, аҳамияти ҳисобга олинади). Анъанавий усулларда дарс ўтишда муаммоли ўқитиш методлари, интерфаол усуллардан фойдаланишга эришиш зарур.

Талабаларни педагогик амалиёт бўйича тайёрлаган ҳисобот материаллари таҳлилида талабанинг юқори даражадаги касбий тайёргарлигига, асосий ва қўшимча топшириқларни бажаришига эътибор қаратилади. Алоҳида суҳбат чоғида уларни иккала комплекс топшириқларни бажаришига туртки бўлган сабабларни, ўз фаолиятига қизиқишини аниқлашга, мактаб шароитида турли-туман ишларни бажариш зарурлигини англаганига эътибор қаратилади.

Мажбурий топшириқларни бажариш билан чекланган талаба фақат педагогик амалиёт бўйича баҳо олиш учунгина фаолият юритгани, мавжуд билимларни кенгайтиришга ҳаракат қилмагани, касбий фаолиятга қизиқишни ўзида хис қилмаганини намоён қилади.

Курс ишлари мавзулари ва мазмуни ҳам касбий қизиқишнинг мавжудлиги, унинг йўналтирилгани ва англаб етилганлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Курс ишлари мавзулари бир қатор фанлар ўртасидаги ўзаро алоқани ифодалайди, лекин булардан биттаси етакчи аҳамият касб этади. Психологик-педагогик блок бўйича курс ишлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: а) илмийлик; б) долзарблик ва амалий аҳамиятини белгилаш; в) тадқиқот гипотезасини ва иш мақсадини аниқлаш; г) ўрганилаётган мавзу бўйича психологик-педагогик фанлардаги ёндашувларни ўрганиш; д) ўрганилаётган мавзуга шахсий қарашлар ва йўналишларни ҳисобга олиш. Юқоридаги асосий талабларни санаб ўтиб, курс

ишига қўйиладиган бошқа талаблар (адабиётлар сони, иш ҳажми) тўғрисида атайлаб гапирилмайди, бу эса талаба ижодий имкониятлари даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Талаба бажарган ишдаги кўрилаётган масаланинг долзарблиги, амалий аҳамиятини қай даражада ифодалай олгани, ишнинг мақсадини кўра олгани унинг умуммаданий, касбий савиясини характерлайди. Талабалар томонидан курс ишларини бажариш жараёнида тадқиқот гипотезаларини ифодалай олиш муҳим. Чунки бу уларни ўз ишлари натижаларини олдиндан кўра олишга ўргатишда, педагогик ҳодисаларнинг салбий оқибатли боғлиқлиги тўғрисида тахминан фикр юритишида алоҳида аҳамият касб этади. Ўзининг дастлабки илмий ишларида муаммога турлича ёндашувлардан фойдаланиш орқали талаба нафақат масалани таҳлил қилиш қобилиятини намоён этади, балки, ўша масалани ҳар томонлама кўра олиш кўникмаларини ҳам эгаллайди. Шу асосда мавжуд қарашларга шахсий нуқтаи назардан қўшилиш ёки қўшилмаслигини асослаб бериш имкониятлари ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси талабаларда тафаккурни ривожлантиришга, мантиқий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Талабанинг ўзи ўрганаётган муаммо юзасидан қарашлари акс этган ишларни баҳолашда йўл қўйилган камчиликларни, хато фикрларни айтиб ўтишга одатланиб қолганмиз. Лекин мустақил бажарилган ишдаги мавжуд камчиликлар талаба баҳосига таъсир этмаслиги керак, педагогнинг баҳоси курс иши натижаларини таҳлил этиш, мунозара ва хатоларни тузатишга йўналтирилган фикрларда ўз ифодасини топса мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, биз тавсия этаётган педагогик фаолият тизими талабаларнинг касбга қизиқишини ривожлантириш ва шакллантиришда маълум даражада аҳамият касб этиши мумкин.

Андижон Давлат университети,
2009 йил 14 апрелда қабул қилинган